

ИНСОН ва ҚОНУН

ҚАДИМДА ҚОЗИЛИК КИМЛАРГА ТАҚИҚЛАНГАН?

Барча макон ва замонда ҳам инсонлар ўзларининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилган, деб ҳисобласалар, қадим даврларда қозиларга, кейинроқ эса судларга мурожаат қилишади.

4-бет

17 декабрь 2019 йил / № 50 (1202) www.insonvaqonun.uz insonvaqonun@adliya.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МИННАТДОРМИЗ!

Таҳририятимизнинг қадрли, маърифатли ҳамкорлари! Сизларга 2019 йилда газетамизда фаол иштирок этганингиз ҳамда омма орасида ҳуқуқий тарғиботни кенг ёйилишида муносиб ҳисса қўшганингиз учун миннатдорлик билдираимиз!



Русланбек ДАВЛЕТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазири



Убайдулла МИНГБОВЕВ,
Судьялар олий кенгаши раиси,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
юрист



Акмал САИДОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича
Миллий марказ директори,
юридик фанлар доктори



Акбар ТОШҚУЛОВ,
Адлия вазири ўринбосари



Худоёр МЕЛИЕВ,
Адлия вазири ўринбосари



Худоёр МАМАТОВ,
юридик фанлар доктори,
профессор



Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири



Жуманазар ХОЛМУМИНОВ,
ТДЮУ профессори



Гулчехра ТЎЛАГАНОВА,
ТДЮУ профессори



Баҳодир АШУРОВ,
Термиз туман адлия бўлими
бошлиғи



Арслон ЭШМУРОДОВ,
журналист



Азизжон ФАЙЗИЕВ,
Ички ишлар вазирлиги
масъул ходими

САЙЛОВ ОЛДИДАН НИМАЛАРНИ БИЛИШИМИЗ МУҲИМ?



Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ,
Тошкент давлат юридик
университети профессори:

Сайлов ва халқаро мажбурият

— ЕХТга аъзо давлат сифатида Ўзбекистон Республикаси "ўз фуқароларининг мамлакатни бошқаришда бевосита ёки ҳалол сайлов жараёнида улар эркин сайлайдиган вакиллар орқали иштирок этиш ҳуқуқини ҳурмат қилади". Бу изоҳни 1994 йилда Парижда бўлиб ўтган Парламентлараро иттифоқ Кенгашининг 154-сессиясида қабул қилинган эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисидаги декларацияда ҳам кўриш мумкин.

Халқаро мажбуриятларга мувофиқ ҳолда Ўзбекистонда сайлов ўтказишнинг қуйидаги асосий йўналишларига эътибор берилиши керак:

Конституция ва қонунларда белгиланган оқилона муддатларда эркин сайловлар ўтказилади;

фуқароларга умумий ва тенг сайлов ҳуқуқи кафолатланади;

яширин овоз бериш таъминланади, унинг натижалари матбуотда эълон қилинади;

сиёсий партия вакили сифатида сиёсий ёки давлат лавозимларини эгаллаш ҳуқуқи берилмади;

сиёсий партиялар ўртасида кураш учун ҳуқуқий кафолатлар қонун олдида тенглик асосида таъминланади;

сайлов кампаниясини эркинлик ва ҳалоллик, номзодлар ва сайловчилар ўз нуқтаи назарлари ва баҳоларини эркин баён этишлари, уларнинг монеликсиз муҳокамаси ҳамда эркин овоз бериш муҳитида ўтказиш учун шароитлар яратилади;

сиёсий партиялар ва сайловчилар учун оммавий ахборот воситаларида монеликсиз иштирок этиш имконияти таъминланади;

сайловда миллий ва чет эллик кузатувчилар ҳозир бўлиши назарда тутилади.

Янги Сайлов кодекси тизимли асосда ихтисослаштирилган қонунчиликни кодификациялаштирди, у илгариги Президент ва парламент, шунингдек, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сайловларини ўтказиш ни тартибга солувчи бешта алоҳида қонунни ва қатор қонуности ҳужжатларни ўз ичига олади. У фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатларини ва сайлов органлари фаолиятининг асосларини белгилайди.

Сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси депутатлигига ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига эгадирлар. Экологик ҳаракат учун квоталарнинг бекор қилиниши партиялараро рақобатни кучайтириши қўтилмади.

Давоми 2-бетда

САЙЛОВ ОЛДИДАН НИМАЛАРНИ БИЛИШИМИЗ МУҲИМ?

САЙЛОВ
МИЛЛАТ ТАНЛАМАЙДИ

3. МАХМУДОВ,
Адлия вазирлиги
масъул ходими:

— Қонунчилик таҳлил қилинганда, мамлакатимизда кам сонли миллатларга сиёсий ҳаётда иштирок этиш учун барча қатори тенг имкониятлар яратилгани намоён бўлди.

Конституцияга кўра, Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади.

Ўзбекистон фуқаролари (кам сонли миллатлар) жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш, барча қатори сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга.

Қонунчиликка кўра, кам сонли миллатларнинг ҳар бир сайловчиси ҳамма қатори бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.

Сайлов кодексининг 4-моддасига мувофиқ, фуқаролар жинси, ирқий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эга.

Сайлов варақалари (бюллетенлар) ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида чоп этилиши белгиланган.

Республикаимизда 130 дан ортиқ миллат рўйхатга олинган бўлиб, улар орасида ўзбеклар 83 фоизни ташкил қилади. Барча партияларнинг Парламентга сайланган вакиллари орасида кам сонли миллатлар вакиллари аъзолар бор.

Кам сонли миллатларнинг фуқаролик ҳуқуқлари борасидаги муаммолар бўйича улар томонидан мурожаат келиб тушмаган, мамлакатда юқори даражада бағрикенглик мавжуд ва камситиш ҳолатлари ҳақида хабарлар бўлмаган.

Кам сонли миллатлар вакиллари Конституция доирасида сиёсий ҳуқуқлардан тўлиқлигича фойдаланадилар. Сайловолди ташвиқот материаллари уч тилда, ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида чоп этилади, номзодлар ҳам шу тилда ташвиқот олиб бориш имкониятига эга.


Ўтган Парламент сайловларида номзодлар ўз ташвиқот тадбирларида кам сонли миллатлар халқларининг тилларидан эркин фойдаландилар.

Масалан, 2016 йилги президентлик сайлови кампанияси даврида Ўзбекистонда яшовчи миллий гуруҳлар вакиллари манфаатларини таъминлаш мақсадида сайловолди ташвиқоти ва номзодларнинг сайловолди дастурлари тўғрисидаги маълумотлар ўзбек тилидан ташқари, 4 та тилда — қорақалпоқ, рус, қозоқ ва тожик тилларида ҳам тақдим этилган.

Президентлик номзодларига тожик тилида нашр этиладиган "Овози тожик" ва "Овози Самарқанд" газеталарида ва қозоқ тилида нашр этиладиган "Нурлы жол" газетасида бепул босма жой ажратилган.

Сайловолди ташвиқоти тўғрисидаги маълумотлар оммавий ахборот воситаларида 17 та тилда эълон қилинган.

Бундан ташқари, корейс тилидаги "Корё Синмун", "Тхонил-Единство", арман тилидаги "Анага" каби нашрлар ўз саҳифаларида сайлов жараёнини эркин ёритиб борган. Шу билан бирга,



сайлов варақалари (бюллетенлари) ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилида тайёрланган.

Кўрииб турганидек, кам сонли миллатлар барча фуқаролар билан тенг равишда Конституция ва қонунларга мувофиқ барча ҳуқуқлардан тўлиқ фойдаланишлари мумкин.

САЙЛОВЛАР МАЖОРИТАР ТИЗИМДА ЎТКАЗИЛАДИ

Муборакхон ТОЖИЕВА,
Адлия вазирлиги масъул ходими:

— Мамлакатимизда сайлов ўтказишнинг шаклланган сиёсий аъналари, амалиёти ҳамда ўзига хос жиҳатларини, аҳолининг сиёсий тайёргарлик даражаси ва менталитетини ҳисобга олиб, Парламентга бўладиган сайловларнинг ҳуқуқий асосини белгилувчи қонунларни мажоритар тизим асосида ишлаб чиқиш лозим, деб топилди.

Сайлов кодексининг қабул қилиниши ҳам мамлакатимизни айнан мазкур таллабни оғишмай, изчиллик билан бажарганидан далолатдир. Маълумотларга кўра, 22 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловларда фуқаролар томонидан 150 нафар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайланади. Шунингдек, 831 нафар вилоят ва Жўқорғи Кенгес депутатлари ҳамда 5 минг 738 нафар шаҳар ва туман депутатлари фуқаролар томонидан сайландилар. Ўзбекистон бўйича жами 6 минг 719 нафар депутат ўз фаолиятини бошлайди.

СЯЭР НИМА?

Феруза МИРЎКТАМОВА,
Тошкент давлат юридик
университети ўқитувчиси:

— Айни дам мамлакатимизда сайловларнинг шаффофлигини янада кенгроқ таъминлаш ҳамда сайлов ташкилотчилари ишнини оsonлаштириш мақсадида электрон тизимнинг сайлов жараёнида қўлланилаётганлиги мазкур соҳада эришаётган ютуқларга мисол бўла олади.

Ҳозирги кунда электрон сайлов тизими жорий этилиши натижасида сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини (СЯЭР) шакллантириш ишлари жадал давом этмоқда. Ушбу тизим илк бор 2017 йил декабрь ойида Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашига сайлов давомида синовдан ўтказилган.

СЯЭР асосида Сайлов жараёнини бошқариш бўйича ахборот тизими (СЖБАТ) шакллантирилди. У ўз ичига бир қанча вазифаларни олади ва фуқароларни сайлов участка комиссияларига тақсимлаш, сайловчини ўзи яшаб турган жойга алоқадор участка ҳақида маълумот олиш ҳамда округ сайлов ко-

миссиялари ва участка сайлов комиссиялари фаолиятини оsonлаштириш имкониятини беради.

Сайлов куни сайловчилар СЖБАТ операторларига мурожаат қилади ва сайлов бюллетенини олиб, овоз бериш кабинасида ўз номзодини қўллаб-қувватлайди. Натижада бир вақтнинг ўзида сайловда иштирок этганларнинг тўлиқ рўйхати автоматик тарзда шакллантирилади. Бу бир шахснинг бир неча маротаба овоз бериши ёки бир кишининг бутун оила аъзолари учун овоз беришининг олдини олиш имконини беради.

Қолаверса, сайловчиларнинг ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг сайлов жараёнидаги фаолиятини оsonлаштириш ва қўшимча қулайлик яратиш мақсадида ишлаб чиқилган "Сайлов — 2019" мобил иловасини таъкидлаб ўтиш лозим. Унда сайловга оид қонун ҳужжатлари, сайлов комиссиялари фаоллари ҳақида маълумотлар, сайловчилар, комиссия аъзолари, сиёсий партиялар ва номзодлар ҳамда кузатувчилар учун услубий тавсиялар, сайлов фаолларининг билимини оширишга доир ўқув материаллари, китоблар ва мақолалар, сайлов мавзуси бўйича савол-жавоблар ўрин олди. Шунингдек, мобил иловада сайловчиларга ўз сайлов участкасини топишида кўмаклашиш учун махсус ҳавола ҳам жойлаштирилган.

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ ТУШУНТИРИЛАЯПТИ

Қахрамон МАШАРИПОВ,
Хоразм вилоят адлия бошқармаси
бошлиғи биринчи ўринбосари:

— Бу йилги сайловларда 20 миллиондан ортиқ сайловчи, шулардан икки миллиондан зиёд ёшлар илк бор овоз беради.

Сайлов кодексига биноан эндиликда сиёсий партиялар Қонунчилик палатасига бўлажак сайловларда 135 эмас, балки тўлиқ 150 сайлов округидан номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлди. Ўзбекистон Экологик ҳаракатига берилган квота чиқариб ташлангани партиялараро рақобатни кучайтиришга хизмат қилади.

Бу йилги сайловда сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати шакллантирилган. Бу сайловчиларнинг тенг ҳуқуқлигини кўрсатади.

Маълумот тариқасида айтиладиган бўлсак, Хоразм вилоят адлия бошқармаси ҳамда унинг туман, шаҳар адлия бўлимлари томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида сайлов қонунчилиги бўйича жами 161 та тарғибот тадбири ўтказилди.

Ўтказилган тарғибот тадбирларида 5000 дан ортиқ фуқаролар қамраб олиниб, сайлов қонунчилиги билан боғлиқ флаер ва буклетлар жойларга чиққан ҳолда тарқатилди.

ОАВда бу борада мунтазам чиқишлар қилинмоқда.

САЙЛОВ ҚОМИССИЯСИГА ҚАНДАЙ МУРОЖААТ ҚИЛИНАДИ?

Назар ҚАРШИБОВЕВ,
Гулистон шаҳар сайлов
комиссияси
раиси ўринбосари:

— Янги Сайлов кодексига жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби ҳам қатъий равишда ифода этилган.

Депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар вакиллари, депутатликка номзодлар, ишончли вакиллар, кузатувчилар, сайловчилар, сайлов жараёни бошқа иштирокчилари бевосита ўзлари ёки вакиллари орқали ариза, таклиф ва шикоят билан мурожаат қилишлари мумкин.

Мурожаатлар оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда берилиши мумкин. Мурожаатлар уларнинг шакли ва туридан қатъи назар бир хил аҳамиятга эга.

Жисмоний ва юридик шахснинг мурожаатида участка сайлов комиссиясининг тартиб рақами, мурожаат юборилаётган мансабдор шахснинг лавозими ва фамилияси кўрсатилган, шунингдек, мурожаатнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Мурожаат этувчиларнинг яққа ёки жамоа тартибда сайлов комиссияларига, прокуратура органлари, суд ва тегишли давлат органларига мурожаат этиш ҳуқуқи кафолатланади.

Мурожаатларга уч кунлик муддатда, сайловга камида олти кун қолганида ёки овоз бериш куни келиб тушган мурожаатларга эса дарҳол кўриб чиқиб, ёзма жавоб берилади.

Мурожаатларни кўриб чиққан сайлов комиссиялари аъзолари уни кўриб чиқиш вақти, натижалари ва қабул қилинган қарор тўғрисида мурожаат юборган шахсни хабардор қилиши шарт.

БИЗ БЎЛАЖАК САЙЛОВЧИЛАРМИЗ

Оқилхон АКРАМОВ,
Тошкент шаҳридаги
180-мактаб ўқувчиси:

— Сайлов — бу қонуний йўл билан расмийлаштирилган жараён ҳисобланиб, унда фуқаролар турли органларда ўз манфаатларини ҳимоя қилишни белгилайди. Бу жиддий масала, уларга эҳтиёткорлик ва эътибор билан ёндашиш зарур.

Сайловчи — бу сайлов участкасида номзод ёки партиянинг фойдасига хабардор қилинган танловни амалга оширувчи шахс ҳисобланади. У мамлакатни бошқаришда, унинг келажагини белгилашда қатнашиш учун овоз беради. Биз сайловларда, авваламбор, яхши яшаш, мамлакатнинг гуллаб-яшнаши учун овоз берамиз, шунда у ижтимоий-иқтисодий ривожланиш нуктаи-назаридан янада юксалади.

Биз, мактаб битирувчилари, бўлажак сайловчилармиз. Сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгамиз. Менимча, бу шараф ва масъулиятдир.


"Инсон ва қонун" муҳбири
Мадҳия АБАЗОВА тайёрлади.

БИЗ ЎЗ ИШИМИЗНИ МИННАТ ҚИЛМАЯМИЗ

ЛЕКИН СИЗЛАРГА ЁРДАМ БЕРГАНИМИЗДАН ХУРСАНДМИЗ!

ХАТЛАР... Катта-кичик, оқ ёки бироз сарғайган дафтар ва рақларига турли хуснихатлар билан битилган дил изҳорлари, қалбларни ларзага солиб, гоҳида инсонийлик ҳақида ўйга толишга мажбур қилувчи юрак армонларини баён этувчи биткилар...

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги муассислигида ташкил этилган тахририят иш бошлаганидан то ҳозирги кунгача хат қутимизга ватанимизнинг турли бурчақларидан ўн уч мингга яқин мактуб келди. Улардан қарийб 75 фоизини шикоят-аризалар ташкил этади. Ҳолатни ҳолисона ўрганиш учун кўпинча журналист суриштируви ўтказилади ёки тегишли ташкилотларнинг аралашуви билан қониқарли жавоб олинади. Ана шундан бўлса керак, кенг жамоатчиликнинг тахририятга ишончи ортиб бормоқда. Бунга ҳар кун тахририятимизга келаётган ўнлаб дилномалар ҳам исботлаб турибди.



Газетамизнинг "Инсон ва қонун", деб номланиши ҳам бежиз эмас. Тахририятимизнинг ҳар бир ходими фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда масъулият билан меҳнат қилади. Жўнатилган ариза эгалари унинг натижасини ишонч ва умид билан кутадилар. Кўп ташкилотларга қатнайвериш масалалага оидинлик кирита олмаган муаммосига ечим топмаган фуқаро охири-оқибат навбатдаги конверт устига тахририят манзиллини ёзади. Орадан кўп ўтмай тааллуқлилиги бўйича жойларга юборилган шикоят хатимизга жавоб олиб, газетамиз саҳифасида эълон қиламиз ва, ўз навбатида, муаллифга ҳам ёзма равишда маълум қилинади. Ҳақиқат қарор толиб, мушкул осон бўлган фуқаро яна хат орқали ёки тахририятга сим қоқиб ўз миннатдорчилигини изҳор қилишга шошилади. Баян эса...

Шу ўринда бир мисол келтирмақчиман. Ўтган йилнинг сентябрь ойи эди. Хона эшиги енгил чертилиб, остонада 60 ёшларга бориб қолган ўрта бўйли, бугдойранг аёл билан йигит кўринди. Салом-алиқдан кейин суҳбатимиз бир пиёла чай устида давом этди. Маълум бўлишича, Хадича ая Илёсова ўғли Улугбек билан Қашқадарь виллоятининг Китоб туманидан миннатдорлик билдиргани келган экан. Эсладим... бир ойлар чамаси илгари Хадича ая тахририятимизга мурожаат қилган ва ушбу муаммони ўрганиш учун туман прокуратурасига ҳам юборгандик, тез орада ижобий жавоб олгандик.


"СИЗЛАР АРАЛАШДИНГИЗ... УЙЛИ БЎЛДИК..."

— Умирингиздан барака топинглар, болаларим! Ўғлим ўтган

йили ҳарбий хизматдан қайтганидан кейин уй-жой етарли бўлмагани учун уйлантирилмай қолган эдик. Хўжалик раҳбаримизга учрашиб, иморат куриш учун ер ажратиб беринглар, деб ариза берсам, ўлингиз оилали эмас, дея баҳона қилди. Кейин туман "катта"ларига учрашдим. Натижа бўлмади. Охири, сизларга мурожаат қилишимни маслаҳат беришди. Туман прокуратураси аралашуви ва ҳокимлик ёрдами билан уйни битказдик. Жой тайин бўлгач, ҳозирда кенжамни ҳам уйлаш ҳаракатидаман. Аввало, Худо, қолаверса, Сизларнинг ёрдамиңиз билан ишимиз битиб, бошимиз кўкка етди. Сизларга раҳмат.

Вазифамизни бажариб, бир оила шодлигига шерик бўлганимиздан бошимиз кўкка етди. Бундай қувончли кунлар тахририятимизда тез-тез бўлиб туради. Бу фуқаролар билан ҳамкорлигимизнинг бир томони, холос.

Тахририятимизга келган мурожаатларнинг баъзилари журналист суриштируви ўтказилиши учун жойлардаги мухбирларга юборилади. Шу текширув якуни бўйича газетамиз саҳифасида танқидий мақолалар бериб борилади. Масалан, газетамизнинг кейинги йилларини сарҳисоб қилсак, шу йиллар мобайнида "Журналист суриштируви" рўқнида 60 дан ортқ муаммоли мақолалар эълон қилинди. Мақола чоп этилгандан сўнг эса тўлиқ ечимни топиш учун тегишли ташкилотларга юборилиб, натижаси назоратга олинди.



АЛИМЕНТ МАСАЛАЛАРИ ҲАЛ БЎЛДИ, БУНДАН КЎПЧИЛИК ХУРСАНД

Жойларга тўғридан-тўғри юборилиб, ижобий натижаларга эришилган шикоят хатларининг сони кўп бўлса-да, 2018-2019 йиллар ораллиғида муаммоси ҳал бўлган мурожаатлардан баъзиларига тўхталиб ўтсам:

Суд томонидан тайинланган алимент пуллари ундирилиши масаласида юборилган Самарқанд вилоят, Каттакўрғон шаҳрида яшовчи Ҳ.Ражабова, Сирдарё вилоят, Сирдарё шаҳрида яшовчи Д.Тожибоева, Самарқанд вилоят, Иштихон туманида яшовчи Ю.Низомова, Самарқанд вилоят, Пастдарғом туманида яшовчи Д.Шукурова, Қашқадарь вилоят, Шахрисабз шаҳрида яшовчи Д.Ғойибова, Тошкент шаҳри,

Сирғали туманида яшовчи Ш.Баййорова, Самарқанд вилоят, Каттакўрғон туманида яшовчи Г.Юлдашевларнинг мурожаатлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари томонидан ўрганилиб, ижроси тўлиқ таъминлангани юзасидан тахририятимизга жавоб хатлари келган.

Термиз шаҳрида жойлашган "Шодлик" улгуржи чакана савдо ва ишлаб чиқариш хусусий корхонаси раҳбари Д.Амиркулова Термиз шаҳар ҳокимлиги томонидан бузилган корхонага тегишли бино учун компенсация пуллари тўлаб берилмаётгани ҳақида шикоят хати билан мурожаат қилган эди. Мурожаат Сурхондарё вилоят прокуратураси томонидан тўлиқ ўрганилиб, қуйидаги жавоб хати келганди: "...Термиз шаҳар ҳокимлиги ҳисобидан компенсация пуллари ундириш ҳақида Термиз туманлараро иқтисодий судига даъво ариза киритилди, суд натижаси вилоят прокуратураси томонидан назоратга олинди".

Отасига нисбатан Агросаноат мажмуи ва озик-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси Қува туман бўлими жиноят иши қўзғатганлигидан норозилигини баён қилган Фарғона вилоят, Қува туманида яшовчи С.Сақонованинг аризаси Фарғона вилоят прокуратураси томонидан ўрганилиб, жиноят иши Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддаси, 2-бандига асосан тулғатилган.


Қорақалпоғистон Республикаси, Қораўзак туманида яшовчи фуқаро И.Жамиев тахририятимизга мурожаат қилиб, аукцион орқали ютиб олган трактори талон-торож бўлганлигидан норозилигини баён қилган эди. Мурожаат юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасидан келган жавоб хатида "Мажбурий ижро бюросининг Хўжайли туман бўлими давлат ижрочиси томонидан жорий йилда электрон онлайн-аукционда сотилган автотранспорт воситасини топшириш тўғрисида далолатнома тузилиб, нусхаси мурожаат муаллифига ютиб олган трактори билан топширилган" дейилганлиги масала ижобий ҳал қилинганлигидан далолат беради.

Хонадонига ўрнатиб берилган янги электрон ҳисоблаш аппаратини "Электрҳисоб" дастурига киритиб берилишини сўраб, туман электр таъминоти корхонасига қилган мурожаати натижасиз қолаётганини айтиб, хат йўлаган Денов туманида яшовчи фуқаро И.Жўраевнинг мурожаати ижобий яқун топгани бўйича, яъни Денов туман электр таъминоти ходимлари томонидан электр сизблагичи "Электрҳисоб" дастурига киритиб берилгани, ҳозирги кунда қарздорлик мавжуд эмаслиги тахририятга маълум қилинган.

Хоразм вилоят, Ҳазорасп туманида истиқомат қилувчи фуқаро Х.Саидов ва бир гуруҳ фуқаролар юборган мурожаатида маҳалла ҳудудидаги томорқа ерлари оқар сув билан таъминланишини сўраган эди. Мурожа-

ат Хоразм вилоят ҳокимлигига юборилиб, ҳокимлик томонидан томорқа ерларига сув берувчи насос агрегати ишчи ҳолатга келтирилиб, аҳоли томорқа ерлари оқар сув билан таъминлангани маълум қилинган.

Тошкент вилоят, Чирчиқ



шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаро Д.Қалдарбековнинг меҳнатда майиб бўлганда тўланадиган ҳар ойлик тўлови "Саннаттехмонтаж" МЧЖ томонидан тўлаб берилмаётгани ҳақида юборган мурожаати Тошкент вилоят прокуратураси томонидан назоратга олинди, МЧЖ томонидан тўланмасдан қолган моддий ёрдам пуллари ундириш бўйича фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ шаҳар судига даъво аризаси киритилгани маълум қилинди.

ХАТ ОРТИДА ҲАЁТ БОР

Хоразм вилоят, Хива шаҳрида истиқомат қилувчи С.Раҳимова Хива шаҳар ҳокимлиги томонидан вақтинча яшаш учун берилган 2 хонали уйи таъмирталаб, ачинарли аҳволдалигини айтиб, 4 нафар фарзанди билан қийна-либ қолганини ёзган эди. Мурожаат Хоразм вилоят ҳокимлигига юборилиб, фуқаро С.Раҳимовага мустақиллик байрами арафасида топширилиши режалаштирилган Хива шаҳридан 3 хонали уй ажратилиши юзасидан ижобий жавоб хати берилган.

Шунингдек, Чуст туманида яшовчи фуқаро О.Абдурахимова фарзандига нисбатан чиқарилган суд ажримидан норозилигини баён қилиб, иш ҳужжатлари қайта ўрганиб чиқилишини сўраган эди. Ушбу масалала Наманган вилоят прокуратурасидан келган жавоб хатида "...мазкур материал жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят суди кассация инстанциясида кўриб чиқилиб, жиноят ишлари бўйича Чуст туман судининг жорий йилдаги маъмурий назорат ўрнатishi қарори бекор қилиниб, шикоят қаноатлантирилди", дейилган.

Бухоро вилоят, Бухоро туманида яшовчи фуқаро А.Арслонов мурожаат қилиб, қизи Ф.Арслонованинг оиласидаги келишмовчиликларни бартараф этишда амалий ёрдам сўраган. Мурожаат шу куннинг ўзидаяқ вилоят ҳокимлигига юборилиб, улар томонидан Ф.Арслоновага ҳуқуқий ҳамда психологик ёрдам кўрсатиш билан биргаликда, уни ҳақорат қилгани учун фуқаро Т.Му-


родов маъмурий жавобгарликка тортилгани ва муаммонинг ечими сифатида ушбу оиллага алоҳида уй кераклигини инобатга олиб, арзон уй-жойлардан берилиши режалаштирилганлиги маълум қилинган.

Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси тизимига ишга қабул қилинишида амалий ёрдам сўраган Самарқанд вилояти, Каттакўрғон шаҳрида яшовчи фуқаро Т.Рустамов тахририят ва Мажбурий Ижро бюроси Самарқанд вилояти бошқармаси сазъ-ҳаракатлари билан Бюронини Каттакўрғон шаҳар бўлими иш юритувчиси вазифасига ишга қабул қилинган.

БИЗ ҲАМИША СИЗ БИЛАН БИРГАМИЗ

Гулистон туманида яшовчи фуқаро М.Бобоев ва бошқалар тахририятга шикоят хати йўллаб, маҳалладаги табиий газ таъминоти бўйича талай муаммолар борлиги ҳақида ёзишган эди. Ушбу масала Сирдарё вилоят ҳокимлиги аралашуви билан Сирдарё вилоят бўйича газ таъминоти ҳудудий филиали масъул ходимлари томонидан ўрганилиб, яроқсиз газ қувурлари ўрнига янги газ қувурлари солиб олиниб, таъмирлаш ишлари олиб боририлгани ва истеъмолчиларга газ етказиб бериш йўлга қўйилгани маълум қилинган.

Иссиққона ташкил этиш учун имтиёзли кредит ажратилиши масаласида Жиззах вилоят, Ш.Рашидов туманида яшовчи фуқаро О.Назирқуллов тахририятга хат билан мурожаат қилган эди. Ушбу фуқарога Марказий банкнинг Жиззах вилоят бош бошқармаси аралашуви билан "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Жиззах



минтақавий филиали томонидан имтиёзли кредит маблағи ажратилган.

Бир инсонга яхшилик қилсанг, албатта, ўзинга қайтади, деганларидек, фуқароларнинг оғирини енгил қилиб, ҳуқуқларини тушунтириб, мушкулларини осон қилишда озми-кўпми хизмат кўрсатиб келинаётгани бос, узоқ йиллардан буён ел назаридамиз. Бунга тахририятимизга тинимсиз бўлаётган кўнгироқлар, йўлланаётган хатлар ва фуқароларнинг ташрифи ҳам исботлаб турибди. Бизга ишонганиңиз учун ҳам раҳмат!

Наврўза ИБРАГИМОВА, "Инсон ва қонун" мухбири

АДЛИЯ вазирлиги ҳузуридаги Тошкент шаҳар юридик коллежида “Конституция — фаровон ҳаётимиз пойдевори” мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир Конституциямиз қабул қилинганлигининг 27 йиллигига бағишланиб, унда бир қатор мутасадди идоралар вакиллари ҳамда коллеж ўқувчи ва ўқитувчилари иштирок этишди.

КОНСТИТУЦИЯ — НОДИР АСАР

Таъкидланганидек, Ўзбекистон халқи хоҳиш иродасининг олий ифодаси, давлатимиз мустақиллигининг ҳуқуқий рамзи бўлмиш Конституциямиз мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат қуриш ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишнинг ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилади. Шу боис, фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларининг ишончли кафолати саналган Асосий Қонунимизнинг мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёшларга тушунтириш мақсадида Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ҳамда юридик коллеж ҳамкорлигида бир қанча тарғибот тадбирлари ташкил этилди.

— Ушбу тадбирларда асосий эътибор, аҳолининг ҳуқуқий онга ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, хусусан, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, фидойилик фазилатлари ва жамоатчилик қobiliятини қарор топтиришга қаратилган, — дейди Тошкент шаҳар юридик коллежининг ёшлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Дилобар Раҳмонова. — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан “Энг иқтидорли ўқувчи”, “Конституция — нодир асар” каби танловлар ана шундай мақсадда ташкил этилган бўлиб, унда ўқувчилар ўз иқтидори ва ҳуқуқий саводхонлиги бўйича беллашдилар.

— Конституциямиз давлатимизнинг Асосий қонуни сифатида фуқароларнинг дини, ирқи, миллати ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади, — дейди мазкур коллеж ўқувчиси Азимжон Саломов. — Мен “Энг иқтидорли ўқувчи” танловида фахрли 1-ўринни эгаллаб, ғолиб, деб топилдим. Биз ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларимиз ҳам Конституциямизда кафолатланган бўлиб, бу борадаги билимларимиз ушбу тарғибот тадбирлари орқали янада мустаҳкамлаб борилмоқда.

Латофат ЮСУБОВА,
“Инсон ва қонун” муҳбири

КАДИМДА ҚОЗИЛИК КИМЛАРГА ТАҚИҚЛАНГАН?

БУГУНГИ кунда ижтимоий ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Шу жумладан, суд-ҳуқуқ ислохотлари ҳам жадаллик билан давом этмоқда. Ўтказилаётган барча суд-ҳуқуқ ислохотларининг пировард мақсади энг олий қадрият ҳисобланган инсоннинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш ва ана шу руҳда тарбиялашдир.



Барча макон ва замонда ҳам инсонлар ўзларининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилган, деб ҳисобласалар, қадим давларда қозиларга, кейинроқ эса судларга мурожаат қилишади.

Тарихдан маълумки, қозилар фақат подшоҳлар томонидан тайинланганлар, уларга шарият қоидаларини билиш, адолат тарафдори бўлиш, ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга бўлиш, озод бўлиш ва ақли расо бўлиш каби талаблар қўйилган. Ҳаттоки, подшоҳлар ҳам давлат ва жамият аҳлига алоқадор муҳим қарор қабул қилиш чоғида иккилансалар, уларнинг одилона ва бирон-бир манбага асосланган фикри ва маслаҳатидан унумли равишда фойдаланганлар.

Қадимда қозилар фуқароларнинг барча масалаларини ҳал қилишган. Ҳозиргидек судларнинг бўлиниши, тааллуқлилик каби масалалар мавжуд бўлмаган. Аризани кўриш жараёнида қозилар ҳам тарафларни ва мазкур ҳолатнинг гувоҳи бўлган шахсларнинг кўрсатувларини эшитиб, қарор қабул қилганлар. Ўз қарорларини эълон қилишдан аввал улар шу вақтга қадар мавжуд бўлган ҳуқуқий манбаларга асосланганлар.

Машҳур муҳаддис олим Бурҳониддин Марғионийнинг “Ал-Ҳидоя” асарига ёзилишича: “Қозилик мусулмон бўлмаган шахсларга, қуллар ва чўриларга, тухматчиликда айбланган шахсларга, оғир жиноят содир этганларга ҳамда вояга етмаганларга ман этилган”. Қозилар ҳеч кимга бўйсунмаганлар, ҳаттоки подшоҳлар ҳам уларнинг ҳар бир мурожаат ва иш бўйича қарор қабул қилишига таъсир кўрсатишга, мазкур жараёнга аралаштишга ҳақлари бўлмаган.

2000 йил 14 декабрдаги “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддасида “Ўзбекистон Республикасида одил судловни фақат суд амалга оширади. Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралаштишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан ва бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади”, деб ёзилган. Бундай тартиб-қоидаларнинг қонун билан мустаҳкамлаб қўйилиши давлатнинг судларга бўлган ишончига, демакки инсон манфаатларини суд йўли орқали ҳимоя қилинишига нисбатан юксак эътибор, деб баҳоланиши лозим.

Қозилар элнинг ўртасида катта обрў-эътиборга эга бўлиб, барча чигал ва мураккаб масалалар улар орқали ҳал этилган, унинг охириги қарори тарафлар учун мажбурий бўлган.

Ушбу Қонуннинг 3-моддасида ҳам “Суд чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий”, деб белгиланган.

Бундан кўринадики, бугунги кунда ҳар қандай қонун ва қонуности ҳужжатларининг илдиэлари қадим тарихга бориб тақалади. Бироқ ҳар қандай даврда ҳам инсоннинг муаммолари ва ечимлари долзарб мавзу ҳисобланган ва бундай муаммоларни ҳал этишда иштирок этувчи шахслар улугланган ва давлат томонидан ҳимоя остига олинган.

Нилуфар МЎМИНОВА,
Олтинқўл туман маъмурий суди раиси

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ:

ҚУРИЛИШДА ЁНГИНГА ЧИДАМЛИ МАТЕРИАЛЛАР КЕРАК!

ЎТГАН ҳафтада Фавқуллода вазиятлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги институтида “Ёнгин хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб муаммолари ва соҳада инновацион технологияларнинг ўрни” мавзуида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Анжуманнинг аҳамиятли томони унда энг долзарб масалаларнинг кўтарилгани бўлди. Тез-тез содир бўлиши мумкин бўлган ёнгинларнинг олдини олиш, қурилишда тез ёнмайдиган ашёлардан фойдаланиш каби масалалар муҳокама қилинди. Худди шу мавзуларда Фанлар Академияси олимларининг мазмунли маърузалари ва муҳим тавсиялари тингланди.



Фанлар Академияси олимларининг фикрича, ёнгин хавфсизлиги профилактикаси учун қурилишда оловга чидамли МДФ материалларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу бўйича ҳозирда олимларимиз баъзи кимёвий бирикмалар ёрдамида ана шундай ёнгинга чидамли материаллар ишлаб чиқариш устида изланиш олиб бормоқда экан.

Шунингдек, анжуманда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш, Олий ва ўрта махсус, Фавқуллода

вазирликлари, Фавқуллода вазиятлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси, Ички ишлар вазирлиги Академияси, Ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши Республика ёш олимлар ассоциациясининг масъул ходимлари ҳамда республика мидаги ҳаётий фаолият хавфсизлиги йўналишида мутахассислар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, ёш олимлар ва иқтидорли талабалар, тегишли ташкилотлар, sanoat корхо-

налари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад — республика мида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд муаммолар, уларнинг ечими ва ёнгинга қарши муҳофазани такомиллаштириш, ўзаро ҳамкорликни яхшилаш, тажриба алмашиш, ўтказилган муҳокама натижаларини келгусида ўқув жараёнига татбиқ қилиш, шунингдек, курсантлар ва тингловчиларни илмий-тадқиқот ишларига кенг жалб

этиш билан бир қаторда, республика мида ёнгин хавфсизлиги соҳасида олиб борилаётган ислохотларни кенг жамоатчиликка тарғиб қилишдан иборат.

Анжуманда бугунги кунда республика мида ёнгин хавфсизлигини таъминлашдаги мавжуд муаммолар, уларнинг ечими ва ёнгинга қарши муҳофазани такомиллаштириш, шу билан бирга ёнгинлар профилактикаси, самарадорлигини ошириш, соҳага янги инновацион технологияларни қўллаш амалиётини янада кучайтириш, илғор хорижий тажриба ва ишланмалар ҳамда технологиялар асосида ёнгин хавфсизлиги соҳасини жадал инновацион ривожлантириш, ёшларни илмий-тадқиқот ишларига кенг жалб этиш, шунингдек, ёнгин хавфсизлиги соҳасида олиб борилаётган ислохотлар натижаларига қаратилган масалалар муҳокама этилди.

Анжуман доирасида ёш олимлар, профессор-ўқитувчилар ва иқтидорли талабалар (курсантлар) томонидан яратилган ихтиролар, инновацион ишланмаларнинг намойиши ҳамда етакчи нашриётлар томонидан китоб ярмаркаси ташкил этилди.

Мадҳия АБАЗОВА,
“Инсон ва қонун” муҳбири

АЁЛГА АДОЛАТ КЕЛАЖАККА АДОЛАТ ДЕМАК!

ГЕНДЕР ТЕНГЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН НИМАЛАРНИ ЎЗГАРТИРАДИ?

АДОЛАТЛИ жамиятнинг энг олий устуни инсон саналади. Инсоннинг номи, шаънининг поклиги, унинг кадр-қиммати жуда муҳим. Бизнинг жамиятда инсон манфаатлари ҳар нарсадан устун эканлиги айтилади. Гап аёллар кадр-қиммати ҳақида бўлса-чи?

Бугун жамиятимизда хотин-қизларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига шак-шубҳасиз риоя қилиш, маънавий-ахлоқий ва оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш учун ҳуқуқий асослар яратилган. Лекин...


Сўнги пайтларда хотин-қизлар билан бўлаётган мудҳиш ҳодисалар жамиятимизда узоқ вақтдан бери мавжуд, аммо яширин муаммоларни ошкор қилаяпти. Хотин-қизлар ҳаётидаги чигалликлар, оилавий зўравонлик, шахсий муносабатлардаги тенгсизлик ва кадр-қимматнинг топталиши натижасида аёлларда нафақат ўзининг, балки фарзандларининг ҳам жонига қасд қилиши ҳоллари кузатишмоқда.

Республика Хотин-қизлар қўмитасининг маълумотига кўра:

- 2018 йилда эркаклар томонидан содир этилган жиноий ҳаракатлар оқибатида 932 нафар аёл жабрланган.
- Булардан 215 нафар аёл жинсий тажовузга учраган.
- 182 нафар хотин-қиз эркаклар қўлида бошқа турдаги жиноятлардан жабр чеккан.

Ушбу масалага давлатимиз раҳбари томонидан жиддий эътибор берилиб, 2018 йил 2 июлда "Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори имзоланган эди.

2019 йил сентябрь ойида эса мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлаш ҳамда аёлларни тазйиқ ва



зўравонликдан ҳимоя қилишга қаратилган 2 та муҳим ҳужжат қабул қилинди.

Хулоса қилиш мумкинки, давлатнинг аёллар билан боғлиқ сиёсатида бошланган янги давр қатъият ва ишчилик билан давом эттирилмоқда ва бу масалада орқага қайтиш йўқ.

Биз ҳозир "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги Қонунга алоҳида тўхталиб ўтмоқчимиз.

7 боб ва 32 моддадан иборат ушбу Қонун билан жинс бўйича камситишга йўл қўймаслик, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш кафолатлари, гендер тенглик борасида давлат сиёсатининг асосий принциплари каби муҳим масалалар борасида қатъий нормалар белгилаб берилган.

Шунингдек, гендер, жинс бўйича камситиш, гендер ҳуқуқий экспертиза, гендер статистикаси каби муҳим тушунчалар ҳам таърифланди.

Олайлик, бир фуқаро (у аёл ёки эркак бўлиши мумкин) иш ўрнида гендер камситишга дучор бўлди. Шунда у ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўраб кимга, қаерга, қайси органга мурожаат қилиши керак? Кадрлар бўлимигами? Бу унинг ваколатига кирмайди. Судми? Бу жуда узоқ ке-

чадиган ва кўплаб ресурсларни талаб қиладиган жараёндир.

Энди давлат органларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича ваколатли мансабдор шахс белгиланмоқда. Ваколатли шахснинг мажбуриятларини бажариш давлат органи раҳбарининг ўринбосарларидан бирининг зиммасига юклатилади.

Демак, гендер тенглик масаласига корхона ва ташкилотнинг ўзида муносабат билдириш ва вазиятни ўнглаш механизми пайдо бўлди.

Шунингдек, гендер тенглик мавзуси кўтарилганда "позитив дискриминация", деган тушунча тилга олинапти.

Позитив дискриминация — бу кам сонли бўлган гуруҳ ёки қатламга алоҳида имкониятлар ва квоталар бериш, дегани. У корхонада, таълимда, илмда ва ҳоказо соҳаларда гендер тенгликка эришиш учун қўлланадиган усулдир.

Масалан, Ўзбекистонда олимпиада, муҳандис, дастурчи, жарроҳ (ва ҳоказо) аёллар кам. Ушбу соҳаларда аёлларнинг кўпайишига эса эҳтиж мавжуд. Шундай шароитда қизларни ушбу йўналишларга кўпроқ жалб қилиб ўқитиш, бунинг учун уларга алоҳида шарт-шароитлар яратиш позитив

дискриминация ҳисобланади. Қонунда давлат хизматида гендер сиёсатини амалга ошириш учун вақтинчалик тарзда бир жинсдаги хизматчилар учун квоталаш тизими жорий этилмоқда. Яъни, ҳар бир давлат корхона ва ташкилотларида хотин-қизлар ва эркаклар вакиллигининг мутаносиблиги таъминланганча вақтинчалик жинс квоталари белгиланади. Мутаносибликка эришилгач, квоталар бекор қилиниши мумкин.

Қонун оилавий муносабатларга ва урф-одатларга қарши чиқмайди, аксинча, ўзаро муносабатларда уйғунликни таъминлаш мақсадида эр-хотин розилиги билан қабул қилинадиган қарорлар учун кенг имкониятлар тақдим этилмоқда.

Масалан, фарзанд дунёга келгач бериладиган таътил борасида Қонунда шундай дейилган:

"Ҳам ота, ҳам она бола туғилиши муносабати билан ҳақ тўланадиган таътил олиш ҳуқуқига эга. Болага қараш бўйича таътилнинг давомийлиги ота-онанинг ихтиёрига кўра улар ўртасида тақсимланиши мумкин, бунда ота-она таътилдан қисмларга бўлган ҳолда фойдаланишлари мумкин".

Яъни, ота ва она ўзаро келишсалар, фарзандга навбатма-навбат қарашлари мумкин. Бу, масалан, сессия топшироқчи бўлган талаба қизлар, хорижга стажировкага кетиши лозим бўлган олимпиада аёллар, узоқ вақт меҳнат фаолиятидан узилиши натижасида малакасини йўқотиб қўйиши мумкин бўлган касб эгалари учун катта имконият.

Агар эр-хотин ўзаро келишиб шундай қарорга келсалар, Қонун бунга қўллаб-қувватлайди ва ҳуқуқни амалга ошириш имконияти билан таъминлайди.

Гендер тенглик Ўзбекистоннинг бугунги куни, келажиги ва халқаро имижига тааллуқли стратегик муҳим масалалардан саналади ва ҳамisha мамлакат раҳбарияти ҳамда Ҳукумат диққат марказида туради.

Муҳаббат РАБИЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси

ИНВЕСТИТОР МУАММОГА ДУЧ КЕЛДИ

АММО БУ УНИ МАҚСАДИДАН ҚАЙТАРОЛМАДИ

ЖОРИЙ йилнинг июль-июль ойларида Тошкент шаҳрида ва ҳар бир туманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тadbirkorлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ташкил этилди. Мазкур қабулхоналар томонидан 2019 йилнинг ўтган даврида тadbirkorлик субъектлари ва тadbirkorлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган фуқароларга фаолиятдаги ер майдонлари ва бўш турган бинолар ажратиш, тегишли рухсатнома, лицензияларни расмийлаштириш, турли йўналишларда кредит маблағлари олиш, банк хизматларидан фойдаланиш, коммуникация тизимларига улашиш, солиқ ва боғхона органларидаги муаммолар каби 1276 та масала кўриб чиқилди.

Шунингдек, мазкур қабулхоналар иштирокида ўтказилган сайёр ёки шахсий қабулларда 827 та тadbirkorлик субъекти ҳамда кичик оилавий бизнес вакиллари қабул қилиниб, кўп йиллардан бери ечилмай келаятган муаммоларнинг ечимини топишга кўмаклашилди, мавжуд камчиликларни бартараф этишда амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли тушунтиришлар берилди.

Мисол учун, Бектемир туманида жойлашган ичимлик сувларини ишлаб чиқарувчи "RC-sola" ва "Family group" МЧЖ ҚҚ суд қарорига мувофиқ барча қарздорликларни тўлаган бўлишига қарамастан, Мажбурий ижро бюросининг Бектемир туман бўлими қорхонанинг юк ташувчи автомобилларига қўйилган тақиқларни белги-

ланган тартибда ечмаганлиги натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларини савдо расталарига етказиб беришда ноқулайликлар вужудга келган. Шу сабабли корхона ҳуқуқшуноси Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тadbirkorлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонасига мурожаат қилган ҳамда қабулхона томонидан тузилган ишчи гуруҳ ушбу мурожаат юзасидан тегишли ижро ҳужжатларини ўрганиши натижасида корхона автомобилларига қўйилган тақиқлар Мажбурий ижро бюроси томонидан белгиланган тартибда ечиб берилишига эришилди.

Шунингдек, ёш тadbirkorлардан бири давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган "Ёшлар келажигимиз" дастури доирасида ўз лойиҳаси билан муваффақиятли

иштирок этган. Ушбу лойиҳани амалга ошириш мақсадида ўз қорхонасига хизмат кўрсатувчи тижорат банкига бир неча бор мурожаат қилишига ва тегишли ҳужжатларни тақдим этишига қарамастан АТБ "Агробанк" томонидан кредит маблағлари ажратилмаган. Шу боис, фуқаро лойиҳасини рўёбга чиқаришдан воз кечаётган вақтда Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тadbirkorлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонасига кўмаги билан ёш тadbirkorga 240 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит маблағи ажратиб берилди. Натижада, жорий йилнинг октябрь ойида корхона ўз фаолиятини бошлаб, пойтахтимиз аҳолисига маиший хизмат кўрсатишни йўлга қўйди ва корхонада янги яратилган 25 та иш ўрнига иқтидорли ёшларимиз жалб этилди.

Бундан ташқари, чет эл инвестори Саид Фаяз Улхасан Тошкент шаҳар, Яқкасарой туманидаги тураржойни сотиб

олиб, уни нотурарга ўтказиш ва ушбу ҳудудда шахримиз кўришга кўрк қўшувчи, пойтахтимизга келувчи меҳмонлар учун барча қулайликларга эга замонавий меҳмонхона қуришга киришган. Бироқ бу борада муаммоларга дуч келгани боис Яқкасарой туманидаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тadbirkorлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонасига мурожаат қилган. Натижада, ушбу инвесторнинг тураржойи тезкорлик билан нотурага жойга ўтказилди, меҳмонхона қуриш лойиҳаси ваколатли давлат идораларининг мутахассислари томонидан кўриб чиқилди ҳамда мазкур ҳудудда меҳмонхона қуриш учун тегишли рухсатнома берилди.

Отабек ЯМИНОВ,
Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тadbirkorлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси мудири

ОБОДОНЛАШТИРИШГА ЯНА ЎҚИТУВЧИМИ?

ЧОРТОҚ туман адлия бўлими томонидан аниқланган ҳолат кўпчиликини бефарқ қолдирмади. Чортоқ туман халқ таълими бўлимига қарашли 46-сонли умумтаълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси ҳамда технология фани ўқитувчилари мазкур мактабининг вояга етмаган 11 нафар 8-синф ўқувчиларини дарс жараёни бўлишига қарамай, катта йўл ҳудудини супуртириб, ободонлаштириш ишларига жалб қилганликлари аниқланган.

Яна бир ҳолат шу туманнинг ўзида роппа-роса бир ойдан сўнг аниқланди. 47-сонли умумтаълим мактабининг 5 нафар ўқитувчиси меҳнат таътилида бўлганликларига қарамасдан мактаб директорининг топшириғига асосан, умумтаълим мактаби ҳудудидаги ободонлаштириш ишларига жалб қилинган. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан ўқитувчи ва ўқувчиларни мажбурий меҳнатга жалб этган умумтаълим мактаби директори ва ўқитувчилари

ри Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 51-моддаси, 1-қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилди.

Айтиш мумкинки, юртимизда бу борадаги фаолиятни тартибга солишга қаратилган нормалар мавжуд. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майдаги “Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қонуний талаблар ижросини таъминлашда жиддий амалий қадам бўлди. Аёнки, энди аввалгидек соҳа мутахассислари ва ёшлар бирдек мажбурий жалб этиладиган ҳолатга йўл қўйилмайди. Зеро, ихтиёрий қилинган ҳар қандай юмушга барака ёғилади ва бу барака барча учун хайрли бўлади.

Хусниддин ХАЛИЛОВ,
Наманган вилоят адлия бошқармаси
масъул ходими



ЗАРАР ЕТКАЗИЛГАНДА, КОМПЕНСАЦИЯ ҚАЙ ТАРТИБДА ТЎЛАНАДИ?

— ЗАРАР етказилганлиги оқибатидаги мажбуриятлар нималардан иборат? Ер участкалари олиб қўйилиши ва олиб қўйилмаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига компенсация бериш тартиби қандай амалга оширилади?

Шокир СОЛИЕВ,
Навоий шаҳри

— Бундай ҳолатда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 ноябрдаги 911-сонли қарори билан тасдиқланган “Ер участкалари олиб қўйилиши ва олиб қўйилмаётган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига компенсация бериш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан компенсация тўловлари амалга оширилади.

Ушбу Низом жисмоний ва юридик шахсларга эгалик қилиш, доимий фойдаланиш ёки вақтинчалик фойдаланиш ҳуқуқи билан тегишли бўлган ер участкаси ёки унинг бир қисми давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун, шунингдек, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида олиб қўйилиши ҳамда ушбу ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектлари мулкдорларига компенсация бериш тартибини белгилайди.

Ер участкаси давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши, шунингдек, ҳудудни ривожлантириш ва архитектура қиёфасини яхшилашга қаратилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тўғрисидаги қарор қабул қилинишига — очик муҳокама ўтказилиб, фойда ва харажатлар тўлиқ баҳолангандан сўнг; шунингдек, мулкдорларнинг олдиндан розилиги олингандан, тегишли халқ депутатлари Кенгашлари томонидан ер участкаси олиб қўйилиши тўғрисидаги қарори қабул қилингандан сўнг йўл қўйилади.

Мулкдорларнинг розилиги олингандан сўнг инвестор, тегишли ҳокимликлар ҳамда мулкдор ўртасида уч томонлама Келишув имзоланиб, нотариал тартибда тасдиқланади. Компенсация миқдори, турлари ва бериш муддати Келишувда назарда тутилади.

Келишувни имзолаган мулкдор ушбу Низомда белгиланган тартибда ер участкасининг олиб қўйилишига ва унда жойлашган кўчмас мулк объектининг бузиб ташланишига розилик берган деб ҳисобланади.

Келишув нотариал тасдиқланганидан кейин тегишли ҳокимликлар томонидан ҳисобга олиниши лозим.

Тегишли ҳокимликлар компенсация ўз вақтида ва тўлиқ, шу жумладан, инвестор томонидан ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини кафолатлайди.

Инвестор томонидан компенсация ўз вақтида ва тўлиқ тўланмаган тақдирда ушбу компенсация тегишли ҳокимликлар томонидан биринчи навбатда маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан тўланади ва кейинчалик айбдор шахслардан суд орқали регресс тартибда ундирилади.

Кўчмас мулк объектлари бузиб ташланиши муносабати билан мулкдорларга компенсация беришнинг умумий тартибига асосан:

- олиб қўйилган ер участкасида жойлашган кўчмас мулк объектларининг бозор қиймати;
- олиб қўйилган ер участкасида бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати;
- кўчириш, шу жумладан, бошқа кўчмас мулк объектини вақтинчалик олиш билан боғлиқ харажатлар;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг бой берилган фойдаси;
- қонун ҳужжатларида ёки Келишувда назарда тутилган бошқа харажатлар ва зарарлар тўлаб берилади.

Ўзбошимчалик билан қурилган уй-жой, ишлаб чиқариш ва бошқа бинолар ва иншоотларнинг қиймати ҳам қопланиши лозим.

Бериладиган компенсация турлари:

- пул маблағлари;
- бошқа кўчмас мулк объектини мулк қилиб бериш;
- ер участкаси;
- Келишувда назарда тутилган компенсациянинг бошқа турлари.

Ер участкалари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилганда компенсация тегишли ҳокимликлар томонидан тегишли марказлаштирилган жамғарма маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан берилади.

Ер участкалари инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун олиб қўйилганда компенсация инвестор маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан берилади.

Томонларнинг келишувига биноан бошқа турдаги компенсация ҳажми ва миқдори камайтирилиб, ўрнига мос равишда қўшимча ер участкаси компенсация қилиб берилиши мумкин.

Саволга Навоий вилоят адлия бошқармаси бош маслаҳатчиси
Ҳусен РАВШАНОВ жавоб берди.

ГАЗ ТАРМОҒИ НЕГА УЗИЛДИ?

ҚУМҚҮРҒОН туман адлия бўлими томонидан “Наврўз” МФЙда сайёр қабул ўтказилди. Унда Жўраев Алибой ва бир гуруҳ фуқаролар маҳалладаги икки юздан ортиқ хонадон фойдаланмаётган газ тармоғи узиб қўйилганлигини айтишди. Туман адлия бўлими бу масалани тез фурсатда ўрганиб чиқди ва газ тармоғи узилганлиги учун халқ асосиз жабр кўрганлиги маълум бўлди. Муборак магистрал газ қувурлари бошқармаси Қумқўрғон газ қувурларини ишлатиш хизмати томонидан мазкур хонадонлар учун газ тармоғи улаб берилди.

Адлия бўлими томонидан ҳозирда МФЙларда ўтказилаётган сайёр қабулларда, шунингдек, тумандаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда турли муассасалар ва ташкилотларда ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилиб, аҳолига қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг моҳияти ва аҳамияти етказилмоқда.

Рустам ХУРРАМОВ,
Қумқўрғон туман адлия бўлими етакчи маслаҳатчиси

“ТОЗА ХУДУД”ГА ТАҚДИМНОМА КИРИТИЛДИ

АДЛИЯ органлари томонидан фуқароларнинг муаммоларига ижобий ечим топиш, уларни жойларга чиққан ҳолда ўрганишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, бошқармаимиз томонидан вилоят “Тоza ҳудуд” давлат унитар корхонасида ходимларга иш ҳақлари берилишининг аҳоли юзасидан мониторинг ўтказилди.

Натижада, “Тоza ҳудуд” давлат унитар корхонаси томонидан ходимлар Х.Хидиров ва бошқаларга белгиланган муддатларда иш ҳақи тўлаб берилиши лозимлиги юзасидан тегишли кўрсатма берилган бўлишига қарамасдан, жами 289 нафар ходимнинг 520 010 551 сўм иш ҳақи тўлаб берилмаганлиги аниқланди.

Шу боис, корхона ходимларига тўланмай келинган иш ҳақини “Тоza ҳудуд” давлат унитар корхонасидан ундириш юзасидан тақдимнома киритилди.

Таъсир чораси натижасида уч юзга яқин ходимнинг иш ҳақлари тўлаб берилди.

Азиз МАВЛОНОВ,
Сирдарё вилоят адлия бошқармаси
бўлим бошлиғи

АЙНИСА Джакереева Қоровулбозор туман Давлат санитария-эпидемиология назорати марказида тўлиқ ставкада ишлаб келиб, 2017 йил декабрь ойида бола парваришlash таътилига чиққан. 2019 йил октябрь ойида эса ишга чиқиб юзасидан ариза ёзган, бироқ мурожаати қабул қилинмаган. У бундан норози бўлиб, туман адлия бўлимига шикоят қилди.

ТАЪТИЛДАН ҚАЙТГАН АЁЛ ЎЗ ИШИГА ТИКЛАНДИ

Мурожаатни ўрганиш жараёнида, туман ДСЭНМ маъмуриятининг 2019 йил 11 октябрдаги 81-сонли буйруғига мувофиқ фуқаро А.Джакереева асосиз равишда 0.75 ставкада дезинфектор вазифасига ўтказилганлиги аниқланди.

Бу қонунбузилиш юзасидан адлия бўлими Қоровулбозор туман ДСЭНМга 2019 йил 15 ноябрда тақдимнома киритди.

Таъсир чораси натижасида ҳозирда фуқаро А.Джакереева 1.0 ставкада дезинфектор вазифасига қайта тикланди.


Миршод ПЎЛАТОВ,
Қоровулбозор туман
адлия бўлими бошлиғи

ҲАР бир ташкилот раҳбари иш берувчи сифатида ўзи раҳбарлик қиладиган ташкилотнинг ходимлари билан меҳнатга доир муносабатларни қонунларга мувофиқ олиб боришга масъулдир.

КОЛЛЕЖНИНГ СОБИҚ ИШЧИЛАРИГА КОМПЕНСАЦИЯ БЕРИЛДИ

Ходимларни ишга қабул қилиш, уларни ишдан бўшатиш, рағбатлантириш, интизомий жазо чораларини қўллаш, таътилла берил, иш вақтига амал қилиш, иш ҳақларини ҳисоблаш каби масалаларни қонуний ҳал этиш раҳбарнинг ходимлар ўртасидаги обрў-эътиборини оширади ҳамда жамоада соғлом ва ишчанлик муҳитини яратади, турли меҳнат низоларининг келиб чиқишини олдини олади.

Бироқ айрим раҳбарларнинг меҳнат қонунчилигини етарлича билмаслиги ва эътиборсизлиги сабабли фуқаролар ҳуқуқини муҳофаза қилувчи органларга меҳнат ҳуқуқи соҳасида бузилган ҳуқуқларини тиклаш юзасидан кўп шикоят қилишади.



Пешку туманида яшовчи фуқаро Р.Темирова Пешку саноат касб-хунар коллежиди иш ўринлари қисқарганлиги сабабли ишсиз қолганлиги, коллеж томонидан унга компенсация пуллари тўлиқ тўлаб берилмаганлигидан норози бўлиб адлия бўлимига мурожаат қилди.

Туман адлия бўлими томонидан мурожаат батафсил ўрганиб чиқилганда, фуқаро Р.Темирова ҳақиқатан иш ўринлари қисқарганлиги сабабли ишсиз қолганлиги, асоссиз равишда учинчи ой компенсация пуллари тўлаб берилмаганлиги аниқланди.

Шунингдек, мазкур мурожаатни ўрганиш давомида худди шу турдаги қонунбузилишлар коллежнинг собиқ ишчилари Б.Сафарова, Ш.Аҳмедова, М.Нарзуллоева, Э.Обидова, Ш.Муқимова, М.Норова, З.Ашурова, Г.Болтаева, М.Давлатоваларни ишдан бўшатишда йўл қўйилганлиги аниқланди.

Пешку саноат касб-хунар коллежиди 2019 йил 15 октябрда адлия бўлими томонидан тақдимнома киритилди.

Киритилган тақдимнома натижасида коллеж директорининг буйруғига асосан фуқароларга тўланмай қолган жами 7 433 322 сўм компенсация пуллари тўланди.

Туйгун АЗИМОВ,
Бухоро вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

НОҚОНУНИЙ ҚУРИЛМА СУД ОРҚАЛИ ҚОНУНИЙЛАШТИРИБ БЕРИЛДИ

ФУҚАРО Қахрамон Алиев Чилонзор туман адлия бўлимига мурожаат қилиб, Чилонзор тумани ҳокимлиги томонидан ўзбошимчилик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш тўғрисидаги қарори қабул қилинмаётганлигидан норози эканлигини билдирган.

Тақдим этилган ҳужжатлар ҳамда адлия бўлими томонидан мутасадди ташкилотлардан олинган маълумотларга кўра, Қ.Алиев 2019 йил 27 февралда

461-сон қарори билан тасдиқланган низомга мувофиқ ноқонуний қурилган иморатга мулк ҳуқуқини олиш учун Чилонзор тумани Давлат хизматлари марказига ариза билан мурожаат қилган.

Бироқ Қ.Алиевнинг 461-сонли қарор талаблари асосида давлат хизматлари марказига қилган мурожаати Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси 4-боб, 27-моддасига мувофиқ 1 оилга 6 сотихгача ер майдони ажратилиши тўғрисида рад этилган.

Ер кодексининг 27-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқароларига яқка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар бир оилга 0,06 гектаргача ер участкалари берилди.

Туман ҳокимияти томонидан фуқаро Қ.Алиевнинг аризаси рад этилганда Чилонзор тумани, Бешкўрган кўчаси, 69-уйда ҳозирги кунда жами



7 та оилаи истиқомат қилиб келаётганлиги факти инобатга олинмаган

ва ҳуқуқий амалиёт нотўғри қўлланилган.

Туман адлия бўлими ходимлари томонидан фуқаро Қ.Алиев аризаси асосида мурожаатда кўрсатилган ваҳлар жойига чиқиб ўрганилганда 461-сон қарор туман ҳокимияти томонидан рад этилиш аниқ ҳуқуқий асосга эга эмаслиги аниқланди.

Ҳолат юзасидан адлия бўлими томонидан фуқаро Қ.Алиев манфаатида Чилонзор туман маъмурий судига "Мансабдор шахнинг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлигини) ғайриқонуний деб топиш ҳақида" шикоят аризаси киритилди.

Чилонзор туман маъмурий судининг ҳал қилув қарори билан туман адлия бўлимининг даъво талаблари тўлиқ қаноатлантирилди ва фуқаро Қ.Алиевнинг бузилган ҳуқуқлари суд орқали тиклаб берилди.

Суннатилла РАХМОНОВ,
Чилонзор туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси

СОҚЧИЛАРГА КЕЧИККАН ИШ ҲАҚИ УНДИРИЛДИ

ҲАР бир инсон у ёки бу корхона, ташкилот ёхуд муассасада меҳнат қилар экан, албатта, шу орқали рўзгор тебратиш, яъни фаровон ҳаёт кечиршни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Аммо ўша меҳнатига яраша иш ҳақини вақтида ололмаса-чи?

Поп туман ҳокимлиги ҳузуридаги "Кичик саноат зоналарини бошқариш ягона дирекцияси" давлат унитар корхонасида соқчи вазифасида ишлаб келаётган фуқаролар Ў.Абдувоҳидов, О.Қоржабоев, У.Турдиев, Н.Тўрақуллов, Б.Эргашев, Ҳ.Қурбонова ва А.Абдуқодировларнинг туман адлия бўлимига қилган мурожаатини ўргандик. Мурожаат муаллифлари етти ойдан буён ойлик иш ҳақлари тўлаб берилмаётганини маълум қилиб, амалий ёрдам сўрашди.

Мурожаат ўрганилганда 2019 йил 9 август ҳолатига корхона томонидан Ў.Абдувоҳидовнинг 3.182.672 сўм, О.Қоржабоевнинг 3.182.672 сўм, У.Турдиевнинг 3.082.672 сўм, Н.Тўрақулловнинг 3.182.672 сўм, Б.Эргашевнинг 3.182.672 сўм, Ҳ.Қурбонованинг 2.637.836 сўм ва А.Абдуқодировнинг 1.923.651 сўм жами 20.374.847 сўм миқдоридаги иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари берилмагани аён бўлди. Шундан сўнг туман адлия бўлимининг мурожаати асосида фуқаролик ишлари бўйича Чуст туманлараро суди томонидан уларнинг иш ҳақларини ундириш хусусида суд буйруқлари чиқарилди.

Бундан ташқари, туман адлия бўлими томонидан корхона раҳбарини маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан Поп туман бандликка кўмаклашиш марказига маъмурий таклиф киритилди. Марказнинг давлат меҳнат ҳуқуқи инспектори қарорига биноан у Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддасига мувофиқ энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баробари миқдорида маъмурий жаримага тортилди.

Азамат ЖўРАЕВ,
Поп туман адлия бўлими бошлиғи

ТАДБИРКОР РУХСАТ ГУВОҲНОМАСИНИ ОЛДИ

ЖОРИЙ йилнинг 29 ноябрь кунини Адлия вазирининг ўринбосари, Тошкент давлат юридик университети ректори Р.Ҳақимовнинг Андижон шаҳрида ўтказган сайёр қабулида Балиқчи туманида яшовчи тадбиркор Ш.Болтабоев мурожаат қилиб, алкоголь маҳсулотлари савдоси билан шугулланиш учун гувоҳнома олишда амалий ёрдам кўрсатилишини сўраган.



Мазкур мурожаат қисқа фурсатларда Балиқчи туман адлия бўлими томонидан ўрганиб чиқилиб, ижобий ҳал қилинди. Хусусан, туман ҳокимлиги комиссиясига 2019 йил 14 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун билан таълим, спорт муассасалари ва диний муассасалардан тўғри чиққ буйлаб икки юз метрдан (илгари беш юз метр) узоқ бўлган масофада жойлашган савдо объектларига алкоголь маҳсулотлари савдоси билан шугулланишга рухсат берилиши белгиланганлиги тушунтирилди. Комиссия томонидан тадбиркорга рухсат гувоҳномаси берилди.

Умиджон ҲАКИМОВ,
Андижон вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

ИНСОН ҚОНУН

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0081-рақам билан
рийхатга олинган



МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

www.minjust.uz

Бош
муҳаррир

Кўчқор
НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқуллов Акбар Жўрабоевич
Рабиев Шерзод Миржалилович
Тожиёв Фурқат Шомуродович
Искандаров Ербек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Таҳририятга келган
кўпмазмунлиқ тақриз
қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.

Навбатчи
Гулсум Шодиева
Саҳифаловчи-
дизайнер
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида "Ўзбекистон" наشريёт матбаа ижодий уйдада чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Тиражи — 9648
Буюртма — V-3974
Тошпириш вақти — 19:00
Тошпирилди — 22:00

МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш.
Чилонзор кўчаси-29.

Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоси великилган нарҳда

1 2 3 4 5

ТАДБИРКОРЛИККА ИЛК ҚАДАМ ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗИДАН БОШЛАНАДИ

2017 йил 12 декабрда давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини рўёбга чиқариш, бизнес юритишда ортиқча бюрократик жараёнларни тубдан қисқартириш ва давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини янада ривожлантириш мақсадида «Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонини имзолади. Жорий йилнинг 15 февралда эса, «Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини янада комплекс ривожлантириш чоралари ҳақида»ги Қарор қабул қилинди.

Мана 2 йилдирки, бу тизим нақадар тўғри йўлга қўйилганини ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди. Бугун тезкор ва қулай хизматлар деярли ҳар бир оиллага кириб борди. Фуқаролар эмас, хужжатлар ҳаракатланишида инсон омилнинг деярли йўқлиги тизимнинг шаффоқлигини таъминламоқда.

Айни пайтда Фарғона вилоятининг 19 туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари орқали аҳолига 130 турдан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилмоқда.

— Ўтган йилда фуқароларга 398 минг 742 та давлат хизматлари амалга оширилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2019 йилда 3,4 баробарга ошди. Яъни, жорий йилнинг 10 ойининг давомида 1 миллион 161 мингдан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилди. Хусусан, 24 минг 298 та тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилган. Шундан 6 минг 846 таси юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келади.

Маълумки, инвестицион жозибadorликни таъминлаш, хорижлик ҳамкорларни вилоятга жалб этиш ва уларга етарли шароитларни яратиш ишлаб чиқариш кўламини кўпайтириш ва иқтисодий имкониятларини

нинг кенгайишига замин яратади. Айни кунларда Фарғона вилоятида 266 та хорижий қўшма корхона рўйхатдан ўтган. Янада аниқроқ айтганда, Хитой давлатидан 56 та, АҚШ дан 13 та, Корея давлатидан 12 та, Россия Федерациясидан 10 та, Германиядан 5 та, Ҳиндистондан 8 та қўшма корхона вилоятда ўз фаолиятларини олиб бормоқда. Уларга ўз вақтида қулай ва замонавий давлат хизматлари кўрсатилди.

Масалан, айни кунларда маъсулияти чекланган жамияти шаклидаги «Capital-ya», «Still max Textile», «Zeynura Tekstil», «Qo'shtepa ipak gilamlari», «Fer antep Carpets» каби 20 та Ўзбекистон — Туркия қўшма корхоналари Фарғона вилоятида барқарор фаолият олиб бормоқда.

Инсон қаерда ва қай шароитда яшамасин, ўзига қулайлик яратишга ҳаракат қилиши табиий ҳолат. Давлат хизматлари иш фаолиятининг асосини ҳам аҳолига қулай шароит яратиш ташкил этади. Бугун бу қулайликлардан ҳатто олис қишлоқ одамлари ҳам баҳраманд бўлмоқда. Улар учун яратилган шарт-шароит ва имконият шаҳариникидан асло қолишмайди.

Қисқа вақт мобайнида Сўх, Риштон, Бувайда туманлари, Фарғона, Қувасой, Марғилон, Қўқон шаҳарларида давлат хизматлари марказларининг замонавий бинолари қурилиб фойдаланишга топширилди. Бағдод, Олтиариқ, Қўштепа, Учкўприк, Ёзёвон, Тошлоқ ва Фарғона туманларида қурилиш ва реконструкция ишлари ўз якунига етказилиш арафасида.

Бугун давлат билан халқ ўртасидаги мулоқот янги bosқичга қўтарилди, десак адашмаймиз. Халқнинг оғирини енгил, узогини яқин қилиш, қулайлик яратиш ва шаффоқлиқни таъминлашга қаратилган давлат хизматларини кўрсатишнинг янгича тизими ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди.

Раъно БОЙҚЎЗИЕВА,
Давлат хизматлари Агентлиги
Фарғона вилоят бошқармаси бошлиғи

БУГУН мамлакатимизда барча соҳаларни янада эркинлаштириш ва ислох қилиш жараёнлари изчил давом эттирилиб, долзарб муаммолар аҳоли билан очиқ муҳокама қилинмоқда, уларнинг ечимини изланмоқда. Адлия вазирлиги ҳузурдаги Давлат хизматлари Агентлиги жамоаси ҳам мурожаат эгаларига қулайлик яратиш, хизматлар кўрсатишда шаффоқлиқни таъминлаш, ортиқча югур-югурларни қисқартириш, қолаверса, барча бўғинда коррупциянинг олдини олишни ўз олдларига мақсад қилиб олишган.

Фуқаролар билан очиқ мулоқотлар жараёнида ва ўрнатилган қайта алоқа тизими орқали олинаётган маълумотларнинг таҳлилига соҳа ишини янада тақомиллаштиришнинг муҳим омили сифатида қаралмоқда.

Тошкент вилоятида вилоят ҳокими, ўринбосарлари ва бошқарма раҳбарларининг туман (шаҳар)ларга бориб, халқ депутатлари Кенгашлари ҳамда фаоллар олдига ҳисобот бериши анъанага айланмоқда. Шундай тадбирлардан бирида Агентлигининг вилоят бошқармаси бошлиғи Хайриддин Файзиев фаолияти юзасидан халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгашида ҳисобот берди.

Унда давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида олиб бори-

ҚОНУНБУЗИЛИШ ҲОЛАТЛАРИ КИМДА ЁКИ КАЕРДА КўПРОҚ?

лаётган ишлар, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этишга қаратилган масалалар муҳокама қилинди.

Халқимизнинг ижтимоий ҳаётида давлат хизматларига бўлган эҳтиёжи ва талаби кундан-кунга ортиб бормоқда. Тошкент вилоятида шу кунгача фуқаролар учун қулай бўлган давлат хизматлари марказларининг 5 та инновацион биноси, шу жумладан, Чирчиқ шаҳрида замонавий талабларга жавоб берадиган бино фойдаланишга топширилди. Йил якунига қадар вилоятда яна 10 га яқин бионинг топширилиши режалаштирилган. Туман марказидан узоқда жойлашган ҳудудлардаги қишлоқ аҳолиси учун қулайлик яратиш мақсадида 3 та марказ филиали ташкил этилган.

Барча марказлар олис ҳудудларда сайёр қабуллар ўтказиш учун Дамас автомашиналари билан таъминланган. Шунингдек, бошқармага махсус жиҳозланган 2 та «Isuzu» автобуси ҳам ажратилган бўлиб, улар ёрдамида жорий йилда фуқароларга 13 мингдан ортиқ сайёр хизматлар кўрсатилди. Бунда асосий эътибор, аҳолининг оғирини енгил, узогини яқин қилиш, вақтинчи тежаш ва узундан-узоқ навбатда

туришларга чек қўйишга қаратилмоқда.

2019 йилда Чирчиқ шаҳар Давлат хизматлари маркази орқали жисмоний ва юридик шахсларга турли йўналишларда жами 58 минг 251 та давлат хизмати кўрсатилди. 1 минг 36 та тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилди.

Шаҳардаги маъсул идоралар фаолиятида соҳага оид 2 мингдан ортиқ қонунбузилиши ҳолатлари аниқланган. Шундан 1 минг 354 таси газ таъминоти ҳудудий филиали, 306 таси ҳоқимлик, 202 таси кадастр хизмати, 159 таси электр таъминоти корхонаси, 57 таси қурилиш бўлими, 11 таси «Сувоқава» унитар корхонаси, 3 таси мактабгача таълим бўлими ва муассасалари соҳасига тўғри келмоқда.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан қўрилган чора-тадбирлар натижасида 9 нафар ходим интизомий (3 нафари эгаллаб турган лавозимидан озоод этилган) ва 11 нафар мансабдор шахс эса маъмурий жавобгарликка тортилди.

**Давлат хизматлари
Агентлиги Тошкент
вилоят бошқармаси
матбуот хизмати**

Тошкент шаҳар, Миробод туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2015 йил 28 апрелда 004737-06 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, 8-март кўчаси, 12-уй манзилида давлат рўйхатидан ўтган «GLOBAL SPECIAL BUSINESS» маъсулияти чекланган жамияти (СТИР: 303 318 050) таъсисчисининг 2019 йил 12 декабрдаги қарорига асосан тугатилади.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (97) 708-95-70.

Тошкент шаҳар, Миробод туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2017 йил 13 апрелда 507338 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, 8-март кўчаси, 12-уй манзилида давлат рўйхатидан ўтган «DREAM STUDY ABOARD CENTER» маъсулияти чекланган жамияти (СТИР: 304 828 001) таъсисчисининг 2019 йил 12 декабрдаги қарорига асосан тугатилади.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (97) 708-95-70.

Тошкент шаҳар, Миробод туман Давлат хизматлари марказида 29.11.2019 йилда 785886 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 532/1-уй манзилида давлат рўйхатидан ўтган «ALLIANS-MEGA» маъсулияти чекланган жамияти (СТИР: 306 904 239) таъсисчисининг 2019 йил 12 декабрдаги қарорига асосан тугатилади.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (90) 374-20-60.

Тошкент шаҳар, Миробод туман Давлат хизматлари марказида 29.11.2019 йилда 785882 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 532/1-уй манзилида давлат рўйхатидан ўтган «ALLIANS-WAVE» маъсулияти чекланган жамияти (СТИР: 306 904 167) таъсисчисининг 2019 йил 12 декабрдаги қарорига асосан тугатилади.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (90) 374-20-60.

Тошкент шаҳар, Миробод туман Давлат хизматлари марказида 29.11.2019 йилда 785874 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 532/1-уй манзилида давлат рўйхатидан ўтган «ALLIANS-SOFT» маъсулияти чекланган жамияти (СТИР: 306 904 128) таъсисчисининг 2019 йил 11 декабрдаги қарорига асосан тугатилади.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (90) 374-20-60.

Тошкент шаҳар, Миробод туман Давлат хизматлари марказида 04.12.2019 йилда 787559 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 532/1-уй манзилида давлат рўйхатидан ўтган «SHAXZOD ALLIANS» маъсулияти чекланган жамияти (СТИР: 306 917 601) таъсисчисининг 2019 йил 12 декабрдаги қарорига асосан тугатилади.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (90) 118-99-93.

Тошкент шаҳар, Миробод туман Давлат хизматлари марказида 04.12.2019 йилда 787548 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 532/1-уй манзилида давлат рўйхатидан ўтган «SHAXZOD-TEXTIL» маъсулияти чекланган жамияти (СТИР: 306 917 585) таъсисчисининг 2019 йил 12 декабрдаги қарорига асосан тугатилади.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (90) 118-99-93.

Тошкент шаҳар, Миробод туман Давлат хизматлари марказида 26.11.2019 йилда 784522 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 18-уй манзилида давлат рўйхатидан ўтган «SARAF ALLIANS» маъсулияти чекланган жамияти (СТИР: 306 893 523) таъсисчисининг 2019 йил 12 декабрдаги қарорига асосан тугатилади.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (97) 157-72-07.

Тошкент шаҳар, Миробод туман Давлат хизматлари марказида 26.11.2019 йилда 784507 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 11-уй, 4-хонадон манзилида давлат рўйхатидан ўтган «OTASH ALLIANS» маъсулияти чекланган жамияти (СТИР: 306 893 357) таъсисчисининг 2019 йил 12 декабрдаги қарорига асосан тугатилади.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (97) 157-72-07.

Тошкент шаҳар, Миробод туман Давлат хизматлари марказида 08.02.2019 йилда 784394 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 11-уй, 4-хонадон манзилида давлат рўйхатидан ўтган «OTASH ALLIANS» маъсулияти чекланган жамияти (СТИР: 306 893 357) таъсисчисининг 2019 йил 12 декабрдаги қарорига асосан тугатилади.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (97) 744-47-64.

Тошкент шаҳар, Миробод туман Давлат хизматлари марказида 09.12.2019 йилда 788925 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 532/1-уй манзилида давлат рўйхатидан ўтган «ALLIANS-MEDIUM» маъсулияти чекланган жамияти (СТИР: 306 927 906) таъсисчисининг 2019 йил 12 декабрдаги қарорига асосан тугатилади.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (99) 005-50-40.

Тошкент шаҳар, Миробод туман Давлат хизматлари марказида 09.12.2019 йилда 788908 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 532/1-уй манзилида давлат рўйхатидан ўтган «JAVON ALLIANS» маъсулияти чекланган жамияти (СТИР: 306 917 601) таъсисчисининг 2019 йил 12 декабрдаги қарорига асосан тугатилади.

Давлолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади.
Тел.: (99) 005-50-40.

Андижон вилоят адлия бошқармасининг 2019 йил 2 декабрдаги 462-ум-сонли буйруғига асосан бошқарма томонидан 2018 йил 17 декабрда берилган АН №000011-сонли лицензия эгаси, «LAWYER MASDAR» адвокатлик фирмаси адвокати Курбанов Сардор Махмудовичнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини бевучи лицензиянинг ва адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик макъоми тикланди.

«Инсон ва қонун» газетаси таъхирияти жамоаси газетанинг саҳифаловчи дизайнери Жасурбек Тожибоевга отаси
Тўйчибой МАДРАҲИМОВнинг
вафот этганини муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.